ЭМИГРАЦИЯ ВА ИММИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Ярбаев Х.Х.
Гулистон давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада миграция жараёнларининг жамият барқарорлигига ижобий ва салбий таъсирлари, аҳоли миграциясини келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив сабаб ва омиллар, эмиграция ва иммиграция жараёнларининг турли асосларга кўра таснифи ҳамда уларнинг ўзига хос белгилари, кўчиб юрувчи инсонларнинг биологик ва ижтимоий ташувчанлик хусусиятлари, миграция жараёнларининг таъсир доиралари атрофлича таҳлил қилинган.

Таянч тушунчалар: жамият барқарорлиги, миграция, эмиграция, иммиграция, кўчиш, иқтисодий, сиёсий, диний, географик, таълим, саломатлик омиллари, қонуний миграция, ноқонуний миграция.

Бизга маълумки, инсоният тарихий тараққиётининг барча босқичларида турли объектив ва субъектив омиллар туфайли инсонлар бир макондан иккинчи маконга жамоавий ва индивидуал тарзда кўчиб юрган ёки харакатланган. Инсонларнинг бундай кўчиб юриш ходисаси миграция тушунчаси билан ифодаланади.

Инсонлар ёки улар жамоасининг бундай кўчиб юриши давлатлараро, худудлар ва қишлоқ, шаҳарлар доирасида ихтиёрий ёки мажбурий тарзда юз беради. Ихтиёрий миграция – инсонлар ёки улар жамоасининг яшаш шароитларини яхшилаш, юқори даромад манбаига эга бўлиш, саломатлигини тиклаш, билим олиш, аввалги яшаш худудларига қайтиш, миллий мансублигига қараб доимий яшаш манзили танлаш, саёҳат қилиш ва шу каби мақсадларда кўчиб юришидир. Мажбурий миграция эса, табиий ва техноген ҳодисалар, иқлим шароитларинг кескинлашуви, бузилган хуқуқ ва эркинликларни тиклаш, сиёсий, миллий ва диний тусдаги низолар, давлатлар ўртасидаги урушлар таъсирида юз берадиган инсонлар ва улар гуруҳининг мажбурий тарзда яшаш жойини тарк этишидир.

Икки ҳолатда ҳам инсон ва уларнинг гуруҳлари маълум бир давлат, минтақа, қишлоқ ёки шаҳарларнинг чегараларини кесиб ўтади. Шу нуқтаи назардан миграциянинг икки тури ажратилади:

-эмиграция, бу мамлакат ёки худуд чегарасидан чиқиб кетиш.

-иммиграция, мамлакат худудига кириб келиш.

Эмиграция жараёни иштироклари эмигрантлар, иммиграция жараёни қатнашчилари эса иммигрантлар деб аталади.

Миграция жараёнига бағишланган адабиётлар ва тадқиқотларда мазкур ходиса келиб чиқиши ва юз беришига кўра қуйидагича тавсифланади.

1.Уюшганлигига кўра - уюшган ва уюшмаган. Уюшган миграцияда инсонлар жамоаси, уюшмаган миграцияда алохида инсон ёки тарқоқ ҳолдаги бир нечта инсонлар иштирок этади.

2.Давомийлигига кўра - доимий ва вақтинчалик. Вақтинчалик миграциянинг ҳам бир неча кўринишлари мавжуд, (мавсумий, ўқиш ёки саёҳат даврида)

3.Қонунийлигига кўра - қонуний ва ноқонуний.

4.Сабабларига кўра- иқтисодий, сиёсий, диний, оилавий, демографик, географик, иқлим ўзгаришлари ва бошқалар.

Эмиграция ва иммиграция жараёнларининг бир мамлакат доирасида жамият барқарорлигига таъсирини таҳлил қиладиган бўлсак, одатда олий маълумотли, муайян мутахасссислик ва малака кўникмаларига эга бўлган эмигрантлар нафақат мамлакат ҳудудини тарк этади, балки кетган давлатида яшаш ва иш жойи топиб доимий қолишни режалаштиради.

Оқибатда кўпгина ривожланиш йўлига энди қадам қўяётган, яъни иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлмаган, сиёсий низолар авж олган, ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланмаган, харбий мажорали мамлакатлар эмиграция таъсирида халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги кўпгина мутахассислар, илм-фан соҳасидаги олимлар ва санъат намоёндаларини, бир сўз билан айтганда жамиятнинг айрим интелектуал салоҳиятини йўқотадилар.

Шунингдек эмигрантларнинг катта қисмини тегишли маълумот ва мутахассислик ва кўникмаларга эга бўлмаганлар ташкил этиб, улар юқори иш ҳаққи тўланадиган иш жойини қидириб ўз мамлакатларини тарк этади.

Бу ҳолат қабул қилувчи давлатлар учун нисбатан арзон ишчи кучи сонини ошириб, бу борадаги эҳтиёжларни қондириши ижобий тенденция ҳосил қилса-да, лекин иммигрантлар оқимининг катталиги, уларни иш ва яшаш жойи билан таъминлаш, уларнинг мамлакатда бўлишининг ҳуқуқий асослари етарли даражада эмаслиги бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради.

Хусусан, иммигрантлар ҳуқуқларининг етарли даражада таъминланмаслиги мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикка, криминоген вазиятга, умуман ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳамда ишчи иммигрантларнинг тил билмаслиги сабабли уларнинг маҳаллий аҳоли билан зарур коммуникатив мулоқотга кириша олмаслиги миллатлар ва динлараро мунособатларга салбий таъсир қилиши мумкин.

Чиқиб кетувчи давлатларда эса ҳам ижобий ҳам салбий ҳолатларни келтириб чиқаради. Ижобий томони мамлакатга валюта оқимининг кириб келиши билан боғлиқ бўлса, салбий жиҳати ёш ишчи кучи танқислиги, оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси ва бошқа шу каби муаммоларда намоён бўлади.

Бу ҳолатлар ўз навбатида жамият барқарорлиги ва тараққиётига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Жамият барқарорлиги тушунчаси ўзида жамият аъзоларининг саломатлиги, иқтисодий фаровонлиги, муносиб турмуш ва меҳнат шароити яратилганлиги, инклюзив таълим олиш имконияти мавжудлиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги, қонун устиворлиги таъминланганлигини ифодалайди.

Миграция жараёнида иштирок этувчилар доимо биологик ва маънавий-мафкуравий ташувчилар ҳисобланади. Кўчиб юрувчиларнинг биологик ташувчанлик хусусияти уларнинг бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга турли хил юқумли касалликларни ташиб юриш эҳтимолининг юқорилигида, маънавий-мафкуравий ташувчанлик хусусияти эса иммигрантларнинг ўзи билан бирга қабул қилувчи давлатга ўзининг маънавий-ахлоқий, диний ва сиёсий қарашлари ҳамда ўз миллатига хос бўлган урф-одатлари, турмуш ва кийиниш маданияти билан кириб келишида намоён бўлади.

Мигрантларнинг биологик ва маънавий-мафкуравий ташувчанлик хусусиятлари ҳозирги глобаллашув шароитида яъни дунё давлатлари ва халқларининг интеграциялашув жараёнларининг кучайиши фонида ўзини яққол намоён этмоқда. Бунга "Ковид-19", "Оммавий маданият". "Субмаданият" ходисаларининг тарқалиши рад этиб бўлмас мисоллардир.

Сўнги вақтларда миграциянинг мажбурий ва ноқонуний турлари сонинг ортиб кетиши кўпгина мамлакатларда жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда, хусусан, Россия Федерацияси ва Украина давлати ўртасидаги уруш мажораси натижасида Украина давлатидан 10 млн.дан ортиқ украин халқининг Европа Иттифоқи давлатларига эмиграция бўлиши, Афғонистонда хокимият тепасига толибонларнинг келиши билан бир неча миллион.афғон ҳалқининг шунингдек, Исроил ва Фаластин ўртасидаги уруш натижасида фаластинликларнинг ўз юртини ташлаб бошқа давлатларга чиқиб кетиши кўпгина давлатларда иммигрантлар билан боғлиқ жамият барқарорлигига ўта салбий таъмир қилувчи муаммоларни вужудга келтирди.

Бугунги кунда нафақат мажбурий миграция, балки ихтиёрий миграция хам ривожланган мамлакатлар ҳаётида баъзи муаммоларни келтириб чиқармоқда, хусусан кўпгина давлат фуқароларининг "Америка орзусида" Мексика орқали АКШ худудига ноқонуний кириб келишига уриниши инсонлар ўлимига олиб келиши билан бирга, Америка давлатини ўзининг миграция билан боғлиқ сиёсатини қайта кўриб чиқишга мажбур этмоқда.

Эмиграция ва иммиграция жараёнлари билан боғлиқ статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, сўнги 50 йил ичида дунё бўйича мигрантлар сони 200 000 000 га ўсган. Шундан энг кўпи Европа мамлакатларига, иккинчи ўринда осиё мамлакатларига, учинчи ўринда Шимолий Америка мамлакатларига.[1]

Халқаро Миграция талкилотининг ҳисоботига кўра ўтган 2023 йилда энг кўп миграция коридорини, қуйидагилар ташкил этган;

- Мексика-США -11 000 000 кўчиб ўтувчилар;
- Сурия Араб Республика-Туркия- 4 000 000 мигрантлар;
- Ҳиндистон-БАА- 3 000 000 мигрант

Мазкур ҳисоботга кўра, мигрантларнинг гендер пропорцияси хам жиддий ўзгариб, аёл мигрантларнинг сони анчага камайган.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, миграция бу жараён бўлиб, инсоният мавжудлигининг барча даврларида турли даражадаги интенсивликда юз бериб келади. Миграция таъсирида янги худудлар каш этилган, янги маданиятлар ва динлар пайдо бўлган. Замонавий глобал дунёда миграция орқали инсонлар ўзига қулай ўлкаларда яшаш, юқори сифатли илм олиш, ўз моддий ва хаётий фаровонлигини ошириш, саломатлигини тиклаш, тинч осуда хаёт кечириш, табиий хуқуқ ва эркинликларга эришиш имкониятларига эга бўлмоқда.

Миграция жараёнинг салбий таъсири камайтириш ёки минималтириш учун эса барча давлатлардан тўғри миграция сиёсатини юритиш, эмигрантлар ва иммигарнтлар хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш, уларга муносиб яшаш ва меҳнат қилиш имкониятини яратиб бериш ҳамда бу борадаги Халқаро хуқуқ нормаларига амал қилиш талаб этилади.

[1] https://www.gostudy.cz/no-category/migratsiia